Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 10 июль чоршанба

Сотувда эркин нархда № 142 (2970)

*Ислоҳотлар инсон учун!*

# ЎЗБЕГИМ ҒАЛЛАСИ

Биринчи мақола

## 1. Ифтихор

«Андижон вилояти ғаллакорлари давлатга ғалла сотиш бўйича йиллик шартномавий режасини ошириб бажардилар. Мавжуд 74 минг гектар майдондан 569 минг 800 тонна дон йиғиштириб олинди. Қабул пунктларига 256 минг 500 тонна, шу жумладан, 135 минг тонна уруғлик дон топширилди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 77 центнерни ташкил этди. Юзлаб фермерлар ва оилавий пудратчилар эса бу кўрсаткични 80-100 центнерга етказдилар».

2002 йил 2 июль. Эрталаб. Ишхонамда бамисоли тандирдан узилган нон каби ҳозиргина босмадан чиққан «Халқ сўзи» газетасининг биринчи саҳифасидаги ушбу хушхабарни ўқиб, андижонлик лафзи ҳалол, аҳдига содиқ ғаллакорларнинг меҳнат зафаридан бир деҳқон фарзанди сифатида бошим осмонга етгудек бўлиб ўтирардим. Шу пайт ичкарига таниқли ёзувчи, ҳассос адиб Саъдулла Сиёев кириб келди-ю, ҳар доимгидек хушчақчақ оҳангда «Бухорои Шарифдан салом!» деди. Учтўрт кун бурун унинг таҳририятимиз йўлланмаси билан мазкур вилоятга ижодий сафарга кетганидан хабардор эдим.

— Яхши бориб келдингизми, Саъдулла ака! — дея ҳол-аҳвол сўрадим. — Таассуротлар қалай?

— Таассуротларим бир жаҳон! — деди у стулга ўтираркан. Сўнгра кўрган-кечирганларини, гўё маржон сингари териб олгандек, жўшиб-ёнганича бирин-кетин ҳикоя қила бошлади. — Дастлаб Хожаи жаҳон Абдуҳолиқ Ғиждувоний хилхонасини зиёрат қилдим. Кейин бу улуғ зотнинг бугунги авлоди — ғиждувонлик механизатор Алишер Икромов билан танишдим. У, биласизми, бир кунда ўн икки керагали улкан ўтовни эслатувчи «Кейс» комбайни ёрдамида 40 тонна ғаллани ўриб-янчиб бераётир! Шунинг ўзи Алпомиш жасоратини эслатмайдими? Мана бу «Сўфидеҳқонлик чавандоз» сарлавҳали очерк ўша фидойи инсон ҳақида. Бўш пайтингизда кўриб чиқарсиз... — Саъдулла ака машинкада ёзилган 6 варақли қўлёзмани узатаркан, менга синчков разм солди. — Икромжон, сўрамайсиз ҳам, «Нима учун очеркка ғаллакорни танладингиз?» деб. Бугунги куннинг қаҳрамонлари шулар бўлмай, яна кимлар бўлсин? Мен сизга айтсам, ҳозир Алишер ғалла ўраётган ернинг эгаси — бош пудратчи Исмат Қодиров ҳар гектар майдондан 70 центнердан хирмон уйибди! 60 тонна дон ўзи ва жамоасининг уч нафар аъзосига қопти. Бу ғалла ҳосили мўл бўлганининг нишонаси, қадоқ қўлли ғаллакорлар меҳнатининг самараси эмасми? Илгари, биласиз, Бухорода ҳам бўш ер топилса, фақат чигит экиларди, ҳатто деҳқоннинг томорқасида пахта пишарди. Бугун-чи? Ҳаммаёқда офтобда бошоқлари тилладек товланаётган ғалла пайкали... Бошқаларини қўя туринг, айни шу нарсадан жуда хурсанд бўлдим. Ахир, дон — ризқ-рўзимиз, дастурхонимизга барака киритувчи неъмат, у қанча кўп бўлса, деҳқон ҳам, давлат ҳам шунча бой бўлади!..

Суҳбатдошимнинг ҳар бир каломидан ҳайрат ва иқрор, таажжуб ва қувонч, ғурур ва ифтихор туйғулари субҳидам насимининг елпиғичидаги тоза ҳаводек уфуриб турар, бу ўз навбатида менга ўзгача севинч бағишларди. Ёраб, бир неча дақиқа муқаддам андижонлик ғаллакорларнинг жасоратли меҳнати сабаб ана шу инсоний туйғулар менинг қалбимни ҳам чулғаб олмаганмиди? Бунинг сабаби нимада?

## 2. «Келинглар, энди янгича ишлайлик»

Ҳайрат ва иқрор, таажжуб ва қувонч, ғурур ва ифтихор... Холисанилло айтганда, бугун ҳар ким шундай шафоатли туйғулар оғушида яшамоқда. Айни чоғда, кўпчилик «Агар бундан 10-12 йил аввал кимдир «Ўзбекистонда ҳам ҳар гектар ердан 70-100 центнердан ғалла

(Давоми 2-бетда).

*Шу кунларда Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги «Деҳқонобод» дон қабул қилиш пунктининг ишчи-хизматчилари кечаю кундуз ишламоқдалар. Чунки кунига 550-650 тонна ҳосилни саранжомлашга тўғри келмоқда.*

*— Мавсумда 18 минг 370 тонна донни қабул қилиб олишни режалаштирганмиз, — дейди пункт мудири Тоҳир Абдурасулов. — Ҳозиргача омборга 15 минг тонна ғалла йиғилди. Жамоамиз уни қуритиб, тозалаган ҳолда ишлаб чиқариш корхоналарига пешма-деш юбормоқда.*

*СУРАТЛАРДА: омборхонада иш қизғин; пункт мудири Тоҳир Абдурасулов ва таъминотчи Тоҳир Носиров доннинг сифатини кўздан кечиришмоқда; қуритилиб тозаланган дон қайта ишлаш корхонасига жўнатилаяпти.*

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.**

*Хушхабарлар*

## ТОШКЕНТЛИК ҒАЛЛАКОРЛАРНИНГ УЛКАН ХИРМОНИ

**Кеча пойтахт вилояти ғаллакорлари шартнома топширигини бажарганликлари тўғрисидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар. Давлат қабул пунктларига 267 минг тоннадан зиёд сара дон топширилди. Ҳар гектар майдондан 44 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Бу кўрсаткич уч йил олдингиси билан таққослганда, 15 центнерга кўпдир.**

**Урим-йиғим мавсумига пухта тайёргарлик кўрилганлиги, мавжуд техника ва бошқа воситалар ўз вақтида шай қилиб қўйилганлиги боис режадаги ғалла 20 иш кунида тайёрланди. Ҳосилдорлик ҳам баъзи жойларда йилдан-йилга ортиб бормоқда. Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Пскент ва Паркент туманларининг айрим хўжаликларида 60-65 центнерни ташкил қилди.**

**Режа уддаланган бўлса-да, ўрим-йиғим суръати сусайгани йўқ. Ғаллазорларда комбайнлар шитоб билан ишламоқда. Боиси ҳали далаларда ҳосил мўл.**

**Ўз мухбиримиз.**

## ПАХТАКОРЛИКЛАР – МАРРАДА

**Жиззах вилояти ҳокимлиги матбуот марказининг хабарига кўра, Пахтакор тумани ғаллакорлари 28267 тонна ўрнига давлатга 28806 тонна сара дон топшириб, шартномавий режани 101,9 фоизга адо этишган. Ғаллакорларнинг бу ютуғига «Пахтакор», «Самарқанд», «Бўстон», «Бахмал», «Туркистон» фермер хўжаликлари уюшмалари ҳамда «Анвара» ва «Баҳром» фермер хўжаликлари ўзларининг муносиб улушларини қўшганлар.**

## Марказий Осиё Ҳамкорлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви тўғрисида

2002 йилнинг 6-7 июль кунлари Қозоғистоннинг Оқтов шаҳрида Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда томонлар Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорлик муаммолари; иқтисодиётни ислоҳ этиш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш; ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш масалалари; Марказий Осиё Ҳамкорлиги мамлакатларининг парламентлари ўртасида ҳамкорлик ва алоқаларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Бундан ташқари, Марказий Осиё Ҳамкорлигига аъзо давлатлар раҳбарлари 2002 йилнинг 28 февралида Алмати шаҳрида бўлиб ўтган саммитда эришилган шартномаларнинг бажарилиши, хусусан, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, шартнома-ҳуқуқий асосларини инвентаризация қилиш масалаларини кўриб чиқдилар.

Минтақа хавфсизлиги масалаларини кўриб чиқиш чоғида давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият хусусида фикр алмашдилар.

Томонлар экстремизмга, диний радикализм ва фанатизм кўринишларига қарши курашда ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришни ёқлаб чиқдилар.

Шунингдек, давлатлар раҳбарлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда Марказий Осиё Ҳамкорлиги мамлакатлари иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш масалаларини муҳокама этдилар.

Томонлар Марказий Осиё Ҳамкорлиги давлатлари парламентлараро ҳамкорлигини фаоллаштиришни таклиф этдилар.

Учрашув дўстона ва кўтаринки руҳда ўтди.

**«Жаҳон» АА.**

*Олий Мажлисда*

## МАҲСУЛОТ СИФАТИГА КАФОЛАТ БОРМИ?

Беш йил муқаддам Ўзбекистон Республикасида «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Ўшанда давр эҳтиёжи сабаб, кучга киритилган айни ҳуқуқий ҳужжат кўпгина масалаларга ойдинлик киритди. Энг муҳими, мазкур қонун мамлакатимиз ҳудудига сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларининг кириб келишига қарши ўзига хос тўсиқ вазифасини ўтамоқда, дейиш мумкин.

Хўш, бугун ушбу қонун ижроси қандай бажарилаяпти? Кеча парламентимизнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси йиғилишида ушбу саволга жавоб изланди. Унда мазкур қонуннинг Фарғона вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Тўғри, вилоятда «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг ижросига жиддий эътибор қаратилмоқда. Аммо, очиқ айтиш керакки, бу ҳақда ахборот берган вилоят ҳокими ўринбосари Анваржон Эргашев нимагадир фақат қилинган ижобий ишларни таъкидлашдан нарига ўтмади. Нотиқнинг узоқдан-узоқ давом этган маърузасини тинглаган киши гўё вилоятда бу борадаги ишлар рисоладагидек кетаяпти, деб ўйлаши мумкин. Аслида аҳвол А. Эргашев айтганчалик эмас экан. Вилоят ҳудудида 18 та божхона маскани мавжуд бўлишига қарамасдан, савдо шохобчаларида мувофиқлик ва гигиена сертификати бўлмаган 4,5 тонна турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётганлиги аниқланган. Шунингдек, савдо шохобчаларида 116 та ҳолатда ўн тоннага яқин маҳсулот савдо қоидаларига зид равишда сотилишига йўл қўйилган.

Чунончи, айрим туман ва шаҳар ҳокимликларида (Бешариқ, Риштон ва Данғара) қонун ижросини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашда жамоатчиликнинг таъсир кучидан унумли фойдаланилмаяпти. Ҳатто, озиқ-овқат соҳасида фаолият юритаётган айрим юридик ва жисмоний шахслар тегишли қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан яхши хабардор эмас. Натижада улар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, ташиш ва сотишда қонун талабларининг бузилишига йўл қўймоқдалар. Масалан, «Ўзбекбирлашув» ДАК тизимидаги «Аввалматлуботсавдо» акциядорлик жамиятининг айрим сотувчилари озиқ-овқат маҳсулотларини гигиена ва мувофиқлик сертификатларига эга бўлмаган ҳолда ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга «тортиқ» қилишмоқда.

«Ўздавстандарт» марказининг вилоятдаги ҳудудий марказларида (Марғилон, Фарғона шаҳарлари) турли хил озиқ-овқатларни бир хил номда (қандолат ва колбаса маҳсулотлари) рўйхатдан ўтказиб, уларга ноқонуний равишда мувофиқлик сертификатлари бериш ҳоллари аниқланган.

Қўмита йиғилишида вилоятдаги айрим нон маҳсулотлари ҳамда сутни қайта ишлаш корхоналарида қонунга зид равишда маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлиги ҳам кескин танқид қилинди. Масалан, «Ҳожинон» масъулияти чекланган жамиятида саккиз ой давомида гигиена сертификатисиз нон маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, реализация қилинганлигига нима дейсиз? Бу каби ҳолатларни «Экмосан» нон ишлаб чиқариш кўп тармоқли хусусий корхонаси, «Қувадон» ва «Ўзбекистон» акциядорлик жамиятлари корхоналари, «Умид» фермер хўжалиги цехлари фаолиятида ҳам учратиш мумкин. Энг ачинарлиси, Фарғона туманининг Водил қишлоғида жойлашган «Супермаркет»да яроқлилик муддати тугаган маҳсулотлар исталганча сотишга йўл қўйилган.

Фарғона шаҳрининг «Деҳқон бозори» ҳудудидаги хусусийлаштирилган улгуржи савдо расталарида эса сертификатланмаган, ҳатто қаерда ишлаб чиқарилганлиги номаълум бўлган колбаса, қандолат, макарон ва сут маҳсулотлари сотилаётганлиги аниқланган.

Қўмита йиғилишида кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижроси назоратга олинди.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ИЖТИМОИЙ МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг жорий йил олти ойлик иш фаолияти якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, қўмита, уюшма, компания, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарган мазкур йиғилишда жойларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Қарияларни қадрлаш йили" давлат дастури ижроси ҳамда ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлардан оқилона фойдаланиш, корхона ва ташкилотларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди.

"Қарияларни қадрлаш йили" дастури доирасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, йил бошидан буён пенсия ёшидаги қариб бир ярим миллион киши диспансеризация кўригидан ўтказилди. Шу билан бирга, айрим жойларда ёрдамга муҳтож ногиронларни протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш, имтиёзга эга барча фуқароларга бепул дори-дармон етказиб бериш ишлари самарали ташкил этилмаяпти.

Йиғилишда ижтимоий соҳада йўл қўйилаётган шу каби камчиликлар, кечиктирмай ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларга асосий эътибор қаратилди. Жумладан, Жиззах шаҳрида кексалар учун бунёд этилиши мўлжалланган 100 ўринли "Саховат уйи" қурилиши ҳалигача бошланмаган. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларидаги ижтимоий таъминот объектларида капитал таъмирлаш ишлари ўлда-жўлда қолмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим бўйича давлат стандартларини янада такомиллаштириш, барча таълим турлари ўқув режа ва дастурлари узвийлигини мустаҳкамлаш ишлари тўхтовсиз давом эттирилиши зарур. Аммо айни кунгача мактаб ўқувчилари учун 672 номдаги дарслик ўрнига 492 номдагина дарслик чоп этилган, холос.

Бу борада сусткашликка йўл қўяётган вазирлик ва идоралар раҳбарларига вужудга келган аҳволни ўнглаб олиш юзасидан амалий ишларни кучайтириш, мавжуд муаммоларни хаспўшламай, ўз вақтида бартараф этиш бўйича зарур чораларни ишга солиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шунингдек, "Ўзбекнаво" эстрада-концерт бирлашмаси, республика "Маънавият ва маърифат" маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев иштирок этди.

**(ЎзА).**

## Оналик ва болалик муҳофазаси – давлат эътиборида

Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди. Унда алоқадор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Д.Ғуломова бошқарган мазкур йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда мажмуа тасарруфидаги ташкилотларнинг 2002 йилнинг олти ойи давомидаги фаолият натижалари тўғрисидаги, шунингдек, "Соғлом авлод" ва "Қарияларни қадрлаш йили" давлат дастурларининг жорий йилнинг олти ойи мобайнидаги бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибияти мудири Т.Норбоева маъруза қилди. Йиғилишда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳри, Наманган ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарларининг мазкур масалалар юзасидан ахборотлари тингланди.

Ўтган вақт давомида оилада тиббий маданиятни янада ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди. Олиб борилган ишлар натижасида мамлакатда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари камайди, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Оилаларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 71 минг 775 нафар аёл иш билан таъминланди. Она ва бола скрининги марказлари томонидан олиб борилаётган тиббий ишлар ўз самарасини бермоқда. "Соғлом авлод учун", "Маҳалла" ва бошқа жамғармалар томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам талай ишлар амалга оширилди.

"Қарияларни қадрлаш йили" давлат дастури доирасида 3 минг 200 маҳаллада турли мавзуларда қизиқарли учрашув ва суҳбатлар, мулоқотлар ўтказилди. Ёлғиз кексаларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш мақсадида уларга аниқ йўналтирилган мурувват ёрдами кўрсатилди.

Йиғилишда Бола ҳуқуқлари конвенцияси талабларини бажариш юзасидан Миллий ҳаракат дастури маъқулланди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЯНГИ ДАСТУР СТИПЕНДИАТЛАРИ

Кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Фулбрайт ассоциацияси ўзининг йиллик йиғилишини ўтказди. Унда мазкур нодавлат, нотижорат ташкилотнинг жорий йилда амалга оширилиши кўзда тутилган тадбирлари муҳокама қилинди.

Маълумки, мазкур ассоциация Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида тузилган эди. У 2001 йилнинг июнь ойида таъсис этилган ва мазкур йилнинг ноябрь ойида рўйхатга олинганди. Айни пайтда Наманган, Нукус, Самарқанд шаҳарлари ва Фарғона, Тошкент вилоятида унинг бўлимлари ишлаб турибди.

Ўзбекистонда сўнгги ўн йил мобайнида Фулбрайт номидаги дастурга мувофиқ 50 нафар ўзбекистонлик ва 20 нафар америкалик унинг стипендиати бўлди.

Дастур 1946 йилда сенатор Уильям Фулбрайт шарафига номланган бўлиб, унга АҚШ ҳукумати ҳомийлик кўрсатмоқда. Ўшандан буён 140 давлатдан 250000 киши ушбу дастурда қатнашиб келаётир. Фулбрайт номидаги дастур стипендиатлари ижтимоий соҳалар, чет тилларини ўрганиш, математика, бизнес, журналистика, экология, соғлиқни сақлаш бўйича тадқиқотлар ўтказади ва таълим беради.

Йиғилишда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Ҳёрбст сўзга чиқди.

**Муфтилло ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Шу сонга хабар*

## ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР УЧИНЧИ ЎРИНДА

**Германиянинг Дортмунд шаҳрида юнон-рум кураши бўйича Гран-При туркумида халқаро турнир ниҳоясига етди. Унда дунёнинг 30 мамлакатидан юзлаб спортчилар ғолиблик учун гиламга чиқдилар. Биламизки, бундай нуфуздаги беллашувларда кучсиз жамоанинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ҳам музаффарлик шоҳсупасига кучлиларнинг кучлисигина кўтарилиши мумкин. Муҳими, терма жамоамиз вакиллари ана шундай вазифани уддалашди.**

**Полвонларимизнинг умумжамоа ҳисобида Куба ва Германиядан кейин учинчи ўринни эгаллашида Аслиддин Худойбердиев (60 кг), Дилшод Орипов (60 кг), Алексей Чеглаков (76 кг) ва Шермуҳаммад Қўзиев (120 кг)ларнинг ҳиссаси катта бўлди. Энди курашчиларимиз Пусанда ўтказиладиган Осиё ўйинлари ҳамда Тошкентда ташкиллаштириладиган анъанавий «Мустақиллик кубоги» баҳсларига ҳозирлик кўришади.**

**Ўз мухбиримиз.**

# ЎЗБЕГИМ ҒАЛЛАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

етиштирилади» деса, унинг гапига Мамарайимнинг қайси жияни ишонарди?» дея ўз-ўзидан сўрамоқда. Бунга, ҳақиқатан ҳам, ўтган асрнинг 90-йиллари арафасида тўла асос ҳам бор эди. Биз нималарни назарда тутяпмиз?

Статистика маълумотларига қараганда, ўша даврда аҳоли жон бошига АҚШда 1250-1300 килограмм, Францияда 1030-1050, Венгрияда 1200-1220 килограмм дон ва дон маҳсулотлари тўғри келган бўлса, собиқ Иттифоқда бу кўрсаткич 700-750 килограммни ташкил этарди. Ўзбекистон нуфусининг эҳтиёжини қондириш учун эса ана шу маҳсулотнинг ҳам 80 фоизи четдан олиб келинарди. Чунки республикамиз СССРнинг мустамлакаси бўлиб, бу ерда бошоқли дон экинлари учун кам ер ажратилар, устига устак, ҳосилдорлик ҳаминқадар эди. 1988 йилда гектар ҳисобига атиги 13,5 центнердан ғалла тайёрланганги бунинг далилидир.

Ҳақли савол туғилади: нима, ҳудуди 447, 4 минг квадрат километрдан иборат бепоён юртимизда экин майдонлари йўқмиди? Бўлганда қандоқ! 1989 йил 1 январь ҳолатига кўра, масалан, 4 миллион 160 гектар ерга экин-тикин экиларди. Ачинарли томони шундаки, унинг 95 фоизидан ортиғи жамоа ва давлат хўжаликлари ихтиёрида эди. Шаҳар аҳолисига томорқа учун 4 сотихдан, қишлоқ жойларда эса 8-12 сотихдан ер ажратилган бўлиб, бу жами экин майдонларининг бор-йўғи 3 фоизига тўғри келарди.

Ваҳоланки, айни шу томорқа хўжалигини тартибга солиш нафақат йиллар мобайнида йиғилиб қолган муаммоларни, айниқса, ғалла таъминоти масаласини ҳал этибгина қолмасдан, балки вужудга келган кескин вазиятни юмшатиш, муҳими, ижтимоий адолатни ўрнига қўйиш имконини берарди.

Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиздир: **«Аввал одамларнинг қорнини тўқ, устини бут қилайлик. «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» деганларидек, оч одам мусиқани ҳам қорни билан эшитади. Қулоғига гап кирмайди. Ахир, ислоҳотлардан мақсад одамларнинг ҳаётини яхшилаш эмасми? Бошқа гаплар кейин бўлаверади. Хулоса шуки, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишда биз ишлаб чиққан биринчи, асосий тамойилда кўзда тутилганидек, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак».**

Албатта, кейинчалик бутун республикамизда юз берган туб ўзгаришлар жараёнида дастуриламал вазифасини ўтаган ана шу йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар биз тилга олган даврда эмас, балки 1993 йили сирдарёлик деҳқонлар билан учрашув чоғида айтилган. Бу хусусда алоҳида тўхталамиз. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, 1989 йилдаёқ ислоҳотлар йўлида дастлабки муҳим қадам ташланган эди. Ўшанда, профессор Алишер Азизхўжаевнинг ёзишича, кун тартибига мазкур масала ўта кўндаланг қилиб қўйилганди: **«Келинглар, энди янгича ишлайлик. Энди Москвага қараб эмас, халқимизни ўйлаб яшайлик. Ўзимизни ҳам, халқимизни ҳам алдамайлик».** Сабаби — деҳқонларга ер бериш масаласи кўрилаётган йиғилишда айрим раҳбарлар жиддий қаршилик кўрсатдилар. Лекин Ислом Каримов шу тарзда, босиқлик билан уларга қатъий ва қақшатқич жавоб бера билди.

Янгича ишлаш, халқни ўйлаб яшаш сиёсатининг самараси шу бўлдики, ҳукуматнинг 1989 йил 15 августдаги «Колхозчилар, совхоз ишчилари, фуқаролар шахсий томорқа хўжаликлари ва индивидуал уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги махсус қарорига биноан, фақат ўша йилнинг 4 ойи мобайнида одамларга қўшимча равишда 90,7 минг гектар ер берилди. Бошқача айтганда, қисқа муддат ичида 1,5 миллиондан ортиқ оиланинг томорқа участкалари кенгайтирилиб, яна 580 минг янги оиланинг азалий орзуси ушалди. Бундан ташқари, 1990 йилда томорқа майдонлари 76,2, 1991 йилда 38 минг гектарга ўсди. Бугунги кунда эса аҳоли 522,6 минг гектар ердан томорқа участкаси сифатида фойдаланмоқда. Бу 1989 йилдаги кўрсаткичдан 4,2 марта кўпдир.

Хўш, деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ва жамоат секторида шахсий томорқаларни кенгайтириш пировардида нима берди? Аввало, 1991-1999 йиллар давомида республикамизда дон етиштириш ҳажми 6 баравар ошди. Ҳосилдорлик 12,5 центнердан 31,5 центнерга кўтарилди. Қувонарлиси, бир пайтлари аҳоли эҳтиёжини қоплаш мақсадида четдан 4 миллион тоннадан кўпроқ дон келтирилган бўлса, эндиликда ўзимизни ўзимиз шу маҳсулот билан таъминлашга эришдик. Буларнинг ҳаммаси ислоҳотлар натижаси, «Иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак» деган биринчи — асосий тамойилнинг меваси эмасми?

Қолаверса, деҳқон хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари пайдо бўлди. Қиёс: 1992 йилда мамлакатимизда 10 мингтадан кўпроқ фермер хўжалиги ташкил этилиб, уларга 81 минг гектар ер ажратилганди. Айни пайтда 52 минг 300 тадан зиёд деҳқон ва фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти. Бу хўжалик юритувчи субъектлар 1 миллион 38 минг гектар майдонга эгалик қилмоқдалар. Мамлакатимизда етиштирилаётган бошоқли дон экинлари ҳосилининг 18,5 фоизи ва пахта хомашёсининг 22 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бундай хўжаликларда иш юритиш тобора яхшиланиб, молиявий барқарорлик янада мустаҳкамланиб бораётгани, айниқса, ҳаммани мамнун этаётир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **«фермерлик — бу фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қиладиган кучли омилгина эмас. Фермерлик, аввало, ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланишнинг замонавий усули бўлиб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий шаклидир».** Фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, уларнинг фаолияти давлат миқёсида қўллаб-қувватланаётганининг боиси шунда. Фермерлар ҳам бунга жавобан ҳамиша изланиб, ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар, ўзларининг нималарга қодирликларини амалда исботламоқдалар.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «НАЙНАВО»ЛИК ФЕРМЕР

*Оталар ва болалар*

Фермер хўжаликлари мулкка эгалик ҳиссиётини англаб, ерга нисбатан тежамкорлик билан оқилона муносабатда бўлган ҳолда, кам сарф-харажат эвазига пахта ва ғалладан юқори ҳосил олаётгани, чорвачиликда маҳсулдорликни оширишга эришаётгани ҳеч кимга сир эмас.

**Ислом КАРИМОВ.**

Ўз маблағи ҳисобига мактаб тиклаётган Мишариф ота қурилиш чўзилиб кетаётганини кўргач, чидай олмади. Машина олиш учун йиғиб юрган 6,5 миллион сўм пулини бинокорларга нақд санаб берди. Янги ўқув йили арафасида қишлоқ болаларига мактаб эшиги очилди. Отанинг юзларига табассум инди.

Шаҳрихоннинг Тант, ҳозирги Найнаво қишлоғида яшовчи мўмин табиатли, очиқ чеҳрали бу оқсоқолни кўпчилик, нари борса, олтмишга кирган, деб ўйлайди. Аслида у етмишни қоралаяпти. Икки юзи қипқизил. Қўлига кетмон олса, дастаси зириллаб туради. Тўриғини мингудай бўлса, жониворнинг бели майишади.

— Ота ҳалиям улоқ чопади, — деди ҳамроҳим, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг раҳбари Маъруфжон Ғозиев. — Унчамунча от яқин боролмаган тўдага Мишариф отанинг тўриғи ёриб киради. Оёқ остидаги танага тиззалайди. Тана отанинг тақимига тушдими, бас, қуйдек учади. Биронта чавандоз унга етолмайди. Бош соврин яна отада кетади...

Улоқларни эгарга ўнгариб ўрганган оқсоқол юртимизда фермерликка кенг йўл очилгач, ер сўраб шундай ариза битди: «Ўғил-қизларим минан пахта етиштираман. Сизларни доғда қолдирмайман. Ерни увол қилмайман», «Найнаво» ширкат хўжалиги раҳбарлари унга ишонишди. Тўрт гектар ер ажратиб беришди. Мишариф ота ўз фермер хўжалигига қишлоғи номини қўйди.

**БИЗНИНГ ШАРҲ:**

**Андижон вилоятида фермерлик ҳаракати йил сайин кенгаймоқда. Агар 1999 йили 2370 фермер хўжалиги фаолият кўрсатган бўлса, орадан бир йил ўтиб, уларнинг сони 3151 тага етди. Ўтган йили мавжуд 3351 фермер хўжалигининг барчаси шартнома режасини ошириб бажарди. Бугун улар 31191 гектар ерда деҳқончилик қилмоқдалар.**

«Тант»чилар дала бошига капа тикиб, ёнига ўн бош қорамол боғладилар. Уч ўғил, етти қиз отанинг қатига кирди. «Кўпдан қуён қочиб қутулмас», деганларидек, ўновлон ўн томондан ғайрат кўрсатди.

Келгуси мавсумда уларга яна уч гектар ер берилди. 1996 йилдан бошлаб эса, фермерлар ўн бир гектар ерда деҳқончилик қила бошладилар. Ўтган йили олти гектар ғаллазордан гектар ҳисобига 78 центнердан дон олинди. Шартномага кўра, унинг йигирма уч тоннаси хўжаликка топширилди. Қолгани фермер омборига тўкилди.

Бу йилги натижалар ҳам янада салмоқли бўлди. Ҳосилдорлик 90 центнердан ошди. Бу туман кўрсаткичидан ўн центнер кўпдир.

**БИЗНИНГ ШАРҲ:**

**Вилоятда пахтачилик ва ғаллачилик соҳаларида қўлга киритилаётган катта ютуқларда фермерларнинг ҳам салмоқли улуши бор. 1999 йили улар давлатга 35.477 тонна дон сотдилар. Орадан бир йил ўтиб, бу кўрсаткич 71.028 тоннани, ўтган йили эса 72.273 тоннани ташкил қилди. Пахтачилик соҳасида ҳам шундай ҳолат кузатилди: уч йил муқаддам қайта ишловчиларга 34.147 тонна пахта етказиб берилган бўлса, бултур 48.012 тонна хомашё сотилди.**

Даромаддан гап очган эдик, ота тўнғич ўғли Махсудалига юзланди.

— Пахтадан икки миллион 119 минг сўм, сут сотишдан 1,5 миллион сўм даромад олдик, — деди ўғил.

— Ҳали чорва ҳам борми?

— Ота-боболаримиз чорвани етти хазинанинг бири, деб бежиз айтишган, — кулимсираганча тушунтирди ота. — Мол боқсангиз, сут-қатиққа ёлчийсиз. Қўй-чи, эт билан мой беради. Жунини айтинг. Молхонамизда 80 бош қорамол, қўрамизда 150 бош қўй бор. Бешта от ҳам боқувда. Юз бош парранда тухум бераяпти. Илгари битта одам шунча нарсага эга бўла олармиди? Йўқ. Ҳовлида бешўнта мол-қўй боққанимиз учун жавоб берган пайтларимиз ҳам бўлган. Текшир-текширлардан юрак олдирганимиз-чи? Шукур, у кунлар ўтиб кетди. Юртбошимиз «Ишланглар, қандингизни уринглар», деяптилар. Ишлайман, деганга ҳамма шароит етарли бўлса, банкка борсангиз, маҳтал қилмай, пул бериб турса... Яна нима керак? Ишлаймиз-да, ука.

Ўтган йилдан бошлаб отанинг ёнига куёвлари Раҳимжон ва Раҳматилла ҳам қўшилди. Раҳимжон трактор рулига ўтирди. Раҳматилла сувчилик қилаётир. Унча-мунча хўжаликнинг фермасидан қолишмайдиган чорвага Маҳсудали қарайди. Ўн саккиз бош соғин сигир умр йўлдоши Замирахон билан синглиси Лолахоннинг тасарруфида. Шу кунларда ҳар бош говмишдан 10-12 литрдан сут соғиб олинмоқда.

— Шунча сутни нима қиласизлар? — сўраймиз қизлардан.

— «Шаҳрихонсут» ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузганмиз. Ўтган йили корхонага 20 тонна сут сотдик. Бу йил 25 тоннадан кам бўлмайди. Ҳа, айтгандай, қишлоғимиздаги 23-болалар боғчасини ҳам мунтазам равишда текин сут-қаттиқ билан таъминлаяпмиз.

**БИЗНИНГ ШАРҲ:**

**Вилоятда сотилаётган гўшт ва сут маҳсулотларининг асосий қисми фермерлар ҳиссасига тўғри келаётир. Уч йил муқаддам 435 тонна, 2000 йилда 485, ўтган йилга келиб эса 679,3 тонна гўшт сотилди. Истеъмолчиларга 1999 йили 2510, 2000 йили 2549, ўтган йили 2972 тонна сут етказиб берилди.**

Қишлоқ мулкдори бугун нималарни ўйлаяпти? Истиқлол туфайли эмин-эркин нафас олиб, миллионлаб сўмларнинг ҳисобини қилаётган, ўғил-қизларига ҳалол меҳнатнинг нони ширин бўлишидан, ишлаганлар кам бўлмаслигидан сабоқ бераётган ва бу борада ўзи ибрат кўрсатаётган оқсоқолнинг орзу истаклари қандай?

— Кўпгина ишлар қўл кучи билан қилинаяпти, — дейди ота. — Уларни техника зиммасига юкламасак, бўлмайди. Тўғри, ўз тракторимиз, юклагичимиз бор. Бироқ булар етарли эмас. Бундан ташқари, қайта ишловчи корхона очсам, қишлоғимиз ёшларини ишга жойлаштирсам, дейман.

— Қишлоқда яшовчиларнинг кўпчилиги фермерликни орзулайди, — сўзида давом этади ота. — Ишлайман, дегани яхши. Ишлаш керак. Аммо ҳалол ишласин. Ернинг уволига қолмасин. Биз қишдаям бекор ўтирмадик. Пахта экиладиган майдонга 350 тонна маҳаллий ўғит тўпладик. Шунча ўғитни топиш учун бормаган фермамиз қолмади. Ҳатто мол боқиладиган хонадонларгаям эринмай кириб чиқдик.

— Бу йилги ишларингиз қалай?

— Йигирма гектар буғдойзордан 160 тоннадан зиёд ҳосил олдик. 15 гектар майдонда ғўза, тўрт гектар ерда беда ўсмоқда. Мол-қўйларимиз ҳам кўпаймоқда...

Ўзингдан бой чиқса, юрт обод бўлади. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик қарор топади. Ота ҳалол меҳнатидан топган маблағи эвазига 150 ўқувчига мўлжалланган муҳташам мактаб биноси қуриб берди. Қишлоқ шифохонасини таъмирлаш учун бир миллион сўм пул ажратди.

... Ота билан хайрлашар эканмиз, ёнимизга Жаҳонгир исмли ўт-олов ўсмир келиб қолди.

— Неварам, — болакайнинг елкасига қўл ташлади Мишариф ота. — Саккизинчи синфни битирди.

— Катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан? — сўраймиз Жаҳонгирдан.

— Катта дадамдек фермер бўламан! — дея у бобоси томон мағрур қараб қўйди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Яқинда Урганч шаҳрида республика Товар-хомашё биржасининг вилоят филиали учун замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган муҳташам бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ҳудудда тадбиркорлик ва қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида яратилган молиявий шарт-шароитлардан биридир. Айни пайтда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган мазкур хизматдан қимматбаҳо қоғозлар бозорининг иштирокчилари мамнуният билан фойдаланмоқдалар.**

*СУРАТЛАРДА: мутахассис Нигора Курбонова иш пайтида; филиал биносининг умумий кўриниши.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# Наҳорги ошга не етсин... лекин

Ўлкамизда ёз. Шу кунларда тўй-томошаларнинг айни кўпайганига шоҳидмиз. Серфарзанд ўзбек оилаларининг энг улуғ удумларидан бири шуки, яхши ният билан тўй қилиб, элга дастурхон ёзадилар ва ош берадилар. Бу Тошкентдаги нафақат ўзбекларнинг, балки бошқа аксарият ҳамшаҳарларимизнинг ҳам анъанавий одати бўлиб, табиийки, бу одат билан биз фахрланамиз.

Шунга қарамасдан, мутахассис шифокор сифатида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган наҳорги ошлар соат 4.00 да бошланиб, соат 6.00 га бормай тугаб бораётганини ва бу тартиб-одат саломатликка зарар келтириши мумкинлиги ҳақида ўз мулоҳазаларимизни айтмоқчи эдик.

Наҳорги ошни, албатта, тонгги соат 4.00-5.00 да тарқатиш шартми? Шароитга қараб иш тутсак, бўлмайдими? Яқинда Андижонга хизмат сафари билан бордик. Ҳамроҳимнинг яқин оғайниси бизни наҳорги ошга таклиф қилди. Одатга кўра, Андижонда ош соат 7.00 да бошланар экан. Етиб келдик, дастурхонга аввал ярим коса мастава тортилди, кейин эса озгина ош, ҳўл меваалар ва ҳ.к. Мен ҳайрон бўлдим: нега соат 4.00-5.00 да ош бериш фақат Тошкент шаҳрида удум бўлган экан? Бошқа вилоятларда бу одат йўқ-ку? Энди фикримни исботлаш учун айрим мулоҳазаларни баён қилсам. Маълумки, инсон аъзосида мавжуд бўлган сурункали касалликларнинг 90 фоизига сабаб нотўғри овқатланишдир. Оқилона, онгли овқатланиш — саломатлик омилларидан бири. Овқатланишнинг энг муҳим қоидаларидан бири эса бу борадаги тартибга (режимга) риоя қилишдир. Ниҳоятда барвақт овқатланиш жараёнида айни мана шу қоида бузилиши кузатилади.

Йиллар давомида шаклланган организмимизнинг ферментлар системаси, меъда ширасининг ажралиши нонушта, тушлик ва кечки овқат вақтида ўз ишини фаоллаштириб, овқат қабул қилишга тайёр туради. Аммо

*Мулоҳаза*

ниҳоятда барвақт овқатланилса, организмдаги овқат ҳазм қилиш системаси — тиш, сўлак безлари, меъда шираси овқат қабул қилишга тўлиқ тайёр бўлмайди.

Маълумки, наҳорги ошга тумонат одам йиғилади, ошга келган киши баъзан шоша-пиша 10-15 дақиқада овқатланиб улгуриши зарур. Акс ҳолда, одамлар кутиб қолади. Тез ейилган ош — ошқозонга зарарли эканлигини биламиз. Шунингдек, ошга келган ҳар бир одамга қошиқ тарқатилади. Санитария қоидаларига асосан, умумий овқатланиш корхоналарида қошиқлар 4 босқичда ювилгандагина тоза бўлади (механик тозалаш, чайқаш, дезинфекция қилиш, қуритиш). Наҳорги ош жараёнида ошга биринчи келганлар қошиқда овқат истеъмол қилади. Кейинроқ келганлар учун ҳам қулай шароит яратиб беришга эътибор бериш жоиздир.

Маълумки, таом ейишнинг муҳим қоидаси бор. Бу — қувват мутаносиблигидир. Қувват мутаносиблиги деганда, ҳар куни организм истеъмол қилаётган овқат қувватининг миқдори организм қуввати миқдорига мос келиши тушунилади. Наҳорги соат 4-5 да ош истеъмол қилиш ёшларда «семириш», қарияларда атериосклероз касаллигини келтириб чиқариши мумкин эмасми?

Ейиладиган таомлар хилма-хиллиги ҳам овқатланишнинг муҳим қоидасидир. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркиби ҳар хил бўлса, организмнинг барча моддаларга, жумладан, оқсилга, ёғга, минерал моддаларга бўлган талаби мунтазам қондирилади. Маҳсулотлар хилма-хиллиги экологик нуқтаи назардан ҳам мақсадга мувофиқдир. Гўшт ва сут маҳсулотлари, асосан, қувват берувчи, сабзавот ва меваларга эса бошқарувчи хусусиятга эгадир.

Наҳорги ош тарқатилишининг анча-мунча ноқулай томонлари борлигини аксарият ҳамшаҳарларимиз тушуниб етишмоқда. Шу боисдан, кўпгина тўй тақлифномаларида наҳорги ош муддати «Тонгги соат 6.00-7.00 да» ёки «соат 7.00 да» деб аниқ кўрсатиларяпти. Бу энди анча оқилона гап. Тўй қилиб, ниҳоят элга ош бериш бахтига муяссар бўлган бошқа ҳамшаҳарларимиз ҳам худди шу йўлдан боришса, ҳам шароитга, ҳам саломатликка тўғри келади. Чунки соат 6.00-7.00 да ёки 7.30 да ошдан чиққан одам хизмат жойига ҳам ўз вақтида етиб боради.

**Шаҳобиддин БАҲРИДДИНОВ,**
**Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти Овқатланиш гигиенаси кафедраси мудири, профессор.**

*Ҳамкорлик робиталари*

# ТЕРРОРНИНГ МИЛЛАТИ БЎЛМАЙДИ

Америка Қўшма Штатлари Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқ-тартибот идоралари халқаро академияси (ILEA) ташаббуси билан яқинда "Трансмиллий уюшган жиноятчилик ва террорчилик ташкилотлари" мавзуида минтақавий конференция бўлиб ўтди.

Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида ташкиллаштирилган ушбу анжуманга Озарбойжон, Грузия, Қозоғистон, Молдавия, Россия, Украина ва Ўзбекистон вакиллари таклиф қилинганди. Республика Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари, аллия полковниги Шуҳрат Узоқов ҳам ана шу конференцияда қатнашиб келди.

Хўш, етти кун давом этган тадбирда ҳамкасблар қандай масалаларни муҳокама қилдилар? Анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад нима эди?

— Маълумки, 11 сентябрь воқеалари терроризм бугун қанчалик хавфли таҳдидга, таъбир жоиз бўлса, таърифларга сиғмас даҳшатли кучга айланганини бутун дунёга намойиш қилди, — дейди сафардан қайтган прокурор. — Афсуски, БМТнинг юксак минбари, Стамбул саммитида айтилган чақириқлар, огоҳлантиришларнинг нечоғли ҳаётий эканлигини жаҳон ҳамжамияти Нью-Йорк ва Вашингтондаги ана шу қўпорувчиликлардан кейингина тушуниб етди. Шундан кейин инсониятни ташвишга қўйган офатга қарши кураш бошланди. Бизнинг яқин ҳамкоримиз — стратегик шеригимиз бўлган АҚШнинг бу жараёнда етакчилик қилаётгани табиий ҳол. Қўшма Штатлар эндиликда нафақат амалий, балки назарий саъй-ҳаракатлар — ҳамкор давлатлар билан ахборот алмашишга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. ILEA томонидан уюштирилган халқаро конференциядан кўзланган мақсад ҳам тажриба ва турли мавзуда фикр алмашишдан иборат бўлди.

Анжуманнинг дастлабки куни ҳар бир делегация вакили ўз мамлакатида ушбу соҳада олиб борилаётган ишлар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асоси ҳақида гапириб берди. Маърузаларда террорнинг ватани ҳам, миллати ҳам йўқлиги қайта-қайта таъкидланди. Биламизки, экстремистик гуруҳларга қарши курашишнинг дастлабки шарти уларнинг молиявий таъминотини қирқишдан бошланиши зарур. Шунинг учун ҳам тадбир давомида ноқонуний пул ўтказишларга қарши курашиш халқаро ташкилоти — FATFнинг фаолияти билан танишдик. БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш Конвенцияси, Европа Иттифоқининг директивалари хусусида фикрлашдик.

Хуллас, ҳафта давомидаги учрашувлар халқаро терроризмга қарши курашда ҳамкор давлатларнинг кучларини бирлаштиришда ва самарали натижага эришишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

**Озод БЕК ёзиб олди.**

# Ер юзида

воқеалар
рақамлар
тафсилотлар

## КАШМИР МОЖАРОСИ ЕЧИМИНИ ТОПАДИМИ?

Оммавий ахборот воситаларида Кашмир можароси ҳақида кўп ёзилаяпти. Ёзилганда ҳам асосан ҳозирги кундаги қарама-қаршиликлар, юз бераётган воқеа-ҳодисалар, турли хил террористик хуружлар тилга олинади ва минтақада уруш хавфи кучайиб бораётгани тўғрисида ташвиш билдирилади, холос. Ҳар сафар низо чиқанида қайсидир давлатнинг раҳбари ташаббус кўрсатиб, бошқаларни учрашувга чорлайди. Бу учрашувда қарама-қарши томонлар муросага чақирилади, уларга дардларингизни тушуниб турибмиз, дегандек хайрихоҳлик билдирилади, панд-насиҳатлар қилинади. Қарабсизки, вазият бир оз юмшагандай бўлади.

Бироқ бу ҳолат узоққа бормаётганини кўриб турибмиз. Арзимаган нарсадан яна низо чиқади, низо жанжалга айланади, жанжал эса катта уруш хавфини кучайтиради. Бу жараён қарийб эллик беш йилдан буён давом этиб келаяпти. Ана шу даврда Ҳиндистон билан Покистон ўртасида уч марта – 1948, 1965 ва 1971 йилларда низо келиб чиқди ва бир неча марта жанжалнинг катта урушга айланиши хавфи туғилди. Яқинда, яъни жорий йилнинг май-июнь ойларида ҳам шундай ҳолат юз берди. Ҳозир вазият бир оз юмшади. Бироқ учқунни аланга олдириши мумкин бўлган чўғ сўнганича йўқ.

Ўринли савол туғилади: хўш, нега кўп йиллардан бери Кашмир можароси бартараф этилмай келиняпти? Низолар, жанжаллар, урушлар, ташаббуслар, мулоқотлар, музокаралар ва қарама-қаршиликлар жараёни қачонгача давом этади? Умуман, Кашмир тугуни қандай юзага келди ва нега у тобора чигаллашиб бораяпти?

Кашмир можароси Ҳиндистон билан Покистон учун, қолаверса, қўшни давлатлар, хусусан, Марказий Осиёдаги мамлакатлар учун қандай оқибатларга олиб келиши маълум. Айниқса, бу йилги жанжал пайтида қарама-қарши томонлар ядро қуролидан фойдаланиш эҳтимоли ҳақида баёнот берганларида ер юзидаги аҳоли, аввало, Марказий Осиё давлатларидаги миллион-миллион одамлар жиддий ташвишга тушишгани аниқ.

Мен 1965 йилдаги урушга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Зеро, икки давлат ўртасида тинчлик шартномасининг имзоланиши Тошкент номи билан боғлиқ. Ушанда Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги уруш тобора шиддатли тус олиб борарди. Оммавий ахборот воситалари ҳар куни юзлаб, минглаб одамларнинг қурбон бўлганликлари ҳақида хабарлар тарқатар эди. Ҳар иккала давлат қўш фронтда жанг қиларди. Даҳшатли уруш қисқа вақт орасида уларнинг ҳам тинка-мадорини қуритди. Томонлар жаҳолат гирдоби тортиб бораётганлигини англаб етишди ва умидворлик билан Тошкент учрашувига келишди. Улар ўртасида урушни тўхтатиш тўғрисида яраш битими имзоланганида, жаҳон аҳли бу хабарни мамнуният билан кутиб олди.

Ана шу тахлит Тошкентда икки давлат ўртасидаги қонли урушни тўхтатишга, жаҳолатни енгишга, душманларни дўстлаштиришга эришилган эди. Шунинг учун ҳам мазкур учрашув тарихда «Тошкент руҳи» номини олди ва миллионлаб ҳиндистонликлар ҳамда покистонликлар қалбида бир умр муҳрланиб қолди.

Маълумки, Кашмир жароҳати вақти-вақти билан асорат бериб турибди. Жорий йилнинг май-июнь ойларида яна шундай ҳолат юз берди. Ҳиндистон билан Покистон ўртасида кенг миқёсдаги ҳарбий ҳаракатлар бошланишига оз қолди. Мутахассисларнинг фикрича, агар ҳарбий амалиётлар бошланиб, ҳар иккала томон баёнот берганидек, ушбу жараёнда ядро қуроллари қўлланилган тақдирда, тахминан 12-17 миллион одамнинг ёстиғи қуриган бўларди. Энг даҳшатли си, радиация бутун минтақага тарқалиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам жаҳон жамоатчилиги қаттиқ ташвишга тушди. БМТ ҳамда АҚШнинг фаол саъй-ҳаракатлари, шунингдек, Алматидаги учрашув ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Санкт-Петербургдаги саммити ва бошқа дипломатик фаолликлар туфайли вазият бир оз юмшади. Аммо бу жанжал чиқиш хавфи чекинди, дегани эмас. Муайян иғвогарлик ёки террорчилик хуружи вазиятни яна издан чиқариб юбориши мумкин. Чунки ҳар иккала томонда ҳам бундан манфаатдор бўлган миллатчи экстремистик кучлар йўқ эмас.

Ҳиндистон билан Покистонни муросага келтириш йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар қутилган самарани бермаётир. Кашмир масаласи халқаро қоидалар асосида ўз ечимини топмас экан, вазият мураккаблигича қолаверади. Чунки Ҳиндистон ҳам, Покистон ҳам ўзининг ҳудудий яхлитлиги ва миллий хавфсизлигини Кашмир билан боғлаяпти. Уларнинг бу масалага ёндошувлари мантиқан бир-бирига зид. Ҳиндистон Кашмирни ўз ҳудудининг ажралмас қисми, Кашмирнинг Покистон назоратидаги ҳудудларини эса босиб олинган ва ноқонуний, деб ҳисоблайди. Ўз навбатида Кашмир масаласида Покистоннинг ҳам ўз нуқтаи назари мавжуд. Ҳозир Кашмирда иккала давлатнинг расмий равишда тан олинган халқаро чегараси йўқ. Амалда Кашмир 1948, 1965 ва 1971 йиллардаги урушлар натижасида эгаллаб олинган назорат чизиқларига бўлинган.

Демак, муаммо жуда мураккаб. Унинг ечимини излаш масалага ақл-идрок билан ёндошишни тақозо этади. Томонларнинг қай даражада ён босишлари, аввало, ана шу ақл-идрок тушунчасини англаш билан ўлчанади. Ҳозирча ҳар ким ўзича ҳақ. Қўшни давлатлар доим уруш-жанжал ҳолатида яшашлари мумкин эмас.

Шубҳасиз, минтақадаги қалтис вазият Ўзбекистон ва унинг халқини бефарқ қолдира олмайди. Ҳиндистонликлар ва покистонликлар хонадони қанчалик тинч бўлса, биз ҳам шунчалик ором топамиз. Ҳар иккала давлатдаги тинчликсевар кучлар ақл-идрок билан иш тутиб, минтақада барқарорлик ўрнатиш учун барча имкониятлардан фойдаланадилар, деб умид қиламиз.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

*Шарҳловчи минбари*

### МУДДАТИДАН ИККИ ОЙ АВВАЛ

**Чехия Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Ян Каван шу йил 10 сентябрдан бошлаб Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган БМТ Бош Ассамблеясининг 57-сессиясига раис этиб сайланди. Янги раис ҳар сафаргидан икки ой аввал сайланган бўлиб, бу ташкилотчиларга тадбирга тайёргарлик кўриш учун кўпроқ вақт ажратиш имконини беради.**

### ҚАҲВАХОНАДА ЁНҒИН

**Суматра оролидаги Палембанг шаҳрида беш қаватли бинода жойлашган қаҳвахонада содир бўлган кучли ёнғин оқибатида ҳалок бўлганлар сони ҳозирда 44 кишини ташкил этмоқда.**

**Қутқарувчиларнинг фикрига кўра, ёнғин бошланганда бинода 50 дан зиёд киши бўлган.**

### СОҒЛОМ ҚАРИЯ

**Австриянинг Линц шаҳри яқинида 90 ёшли қария асаларилар ҳужумига дучор бўлган. Барчани ҳайратлантирган томони, қарияни минглаб асаларилар чақишига қарамай, у тирик қолган. Шифокорларнинг айтишича, одам 100 тадан 500 тагача асалари чақишига бардош бериши мумкин, холос.**

*Банк тизими*

# КРЕДИТ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

***Яқинда «Пахтабанк»нинг Жиззах вилояти бошқармасида Жиззах туманидаги «Чақмоқ» фермер хўжалиги раҳбари Ёқуб Ҳакимовни учратиб қолдик.***

***— Кредитнинг самараси катта экан, — деди у. — Бундан икки йил муқаддам хусусий тадбиркор сифатида банкдан чорвачилик билан шуғулланиш мақсадида уч йил муддатга 1 миллион 100 минг сўм миқдорида кредит олган эдим. Бу маблағга 8 бош қорамол ва омихта ем харид қилдим. Бир йил ичида 4 тонна гўшт етиштириб, 3,5 миллион сўм миқдорида даромад олдим. Кредитни эса устама фоизлари билан муддатидан бир йил олдин тўлиқ қайтаришга эришдим. Кейинчалик ўз фаолиятимни кенгайтириб, фермер хўжалиги ташкил қилдик. Айни пайтда хўжалигимизда 30 бош соғин сигир, 23 бош бузоқ парвариш қилинаяпти.***

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Масалан, Зафаробод туманидаги "Эркин" фермер хўжалиги ўтган йили эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 1,5 миллион сўм миқдорида кредит олган эди. Маблағ ҳисобига мавжуд трактор ва бошқа техника воситалари таъмирланди. Натижада 40 гектар майдонга ўз вақтида ишлов берилди. Пахта ва ғалла тайёрлаш шартнома режалари ўз вақтида уддаланди. Йил олти миллион сўмдан ортиқ даромад билан якунланди.

"Гўзал" хусусий фирмаси ҳам банк кредити ҳисобига фаолиятини йўлга қўйиб, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб бораётган жамоалардан биридир. Ўтган йилнинг ноябрь ойида фирмага зардўзликни ривожлантириш, миллий кийимлар тикиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мақсадида уч йил муддатга беш миллион сўм кредит ажратилди. Айни пайтда аёллар ва эркакларнинг сартарошлик салонлари ишлаб турибди. 1 миллион 800 минг сўмлик зардўзлик кийимлари, замонавий ва харидоргир пардалар ҳамда бошқа кийимлар тикилиб, буюртмачиларга жўнатилди.

Кейинги йилларда Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги жамоаларнинг кўпчилигида иқтисодий жиҳатдан юксалиш кўзга ташланмоқда. Албатта, бунда пахта, ғалла ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашнинг шартнома режалари ўз вақтида бажарилаётганлиги асосий омил бўлаяпти. Муваффақиятларда тармоққа молиявий хизмат кўрсатишга ихтисослашган «Пахтабанк» вилоят бошқармасининг ҳам муносиб улуши бор.



Банк бўлажак ҳосил учун зарур бўлган минерал ўғит, эҳтиёт қисм ва бошқа зарур воситаларни харид қилиш мақсадида ўз вақтида кредит маблағлари ажратаяпти. Масалан, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида шундай йўл билан 18 та трактор, 58 дан ортиқ культиватор, 154 талон зиёд шиналар сотиб олинди. Техника харид қилган хўжаликлар уни нафақат ўз даласида, балки қўшни жамоалар майдонларида ҳам ишлатишмоқда.

Молиявий муассаса томонидан шу мақсадда берилаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили етиштирилаётган ҳосил учун олдиндан 643 миллион сўм кредит ажратилган бўлса, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида бу кўрсаткич икки бараварга ўсди. Бу табиийки, тармоқдаги хўжаликлар молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, уларнинг самарали иш юритиши учун қулай имконият яратди. Натижада ғалла, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳисобига 350,3 миллион сўм даромад қўлга киритилди. Шу билан бирга, 700 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Вилоятда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти ва бу борада яхши натижаларга эришилмоқда.

Мазкур ишда ҳам банк жамоаси фаол иштирок этаяпти. Кредит олиш ниятида мурожаат қилган мижозларга меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, кичик технологиялар билан танишиш учун молиявий муассасанинг вилоят бошқармасида ва туман бўлимларида «Тадбиркорлар бурчаги» ташкил қилинган бўлиб, барча шарт-шароит яратилган.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Жорий йилнинг олти ойида мазкур йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорларга 934,9 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Унинг асосий қисми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилди. Кредитлар асосан маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ажратилди. Шу боис банк кредити ёрдамида ишни йўлга қўйиб олган корхоналар ўз маҳсулотлари билан вилоят истеъмол бозорини тўлдиришга салмоқли улуш қўшмоқдалар.

Молиявий муассасада деҳқон ва фермер хўжаликларига кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам диққат марказида турибди. Айниқса, энди иш бошлаётган хўжалик юритувчи субъектларга микрокредитлар ажратиш йўлга қўйилгани диққатга сазовордир. Бу ишга бюджетдан ташқари жамғармаларни жалб этиш борасида ҳам иш олиб борилмоқда. Масалан, ўтган йили 17 фермерга ана шу тарзда 14,5 миллион сўмлик микрокредит ажратилди.

Шунингдек, банкда кредит маблағларининг оқилона ишлатилишини назорат қилиш, уларнинг самарасини ўрганиш, мижозларга маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар бериш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Муҳими, зарур пайтда мижозларга молиявий ёрдам кўрсатилмоқда.

Хизмат сифатини такомиллаштириш, мижозларга янада қулайликлар яратиш мақсадида хўжаликларда мини банклар ташкил қилинмоқда. Ўтган қисқа муддатда Зомин туманидаги «Ғалаба», Зафаробод туманидаги Собир Раҳимов номли, Арнасой туманидаги «Самарқанд», Зарбдор туманидаги «Шарқ юлдузи» ширкат хўжаликларида шундай молиявий шохобчалар очилиб, уларда мижозларга хизмат кўрсатилмоқда. Эътиборлиси, мазкур мини банкларда барча банк операцияларини амалга ошириш мумкин.

Айни пайтда «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармасида 160 та қишлоқ хўжалик корхонаси ва 1397 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатилмоқда. Банклар ўртасида рақобат кучайиб бораётган бир пайтда молиявий муассаса жамоаси мижозларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларга жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ва умуман, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кўпроқ ҳисса қўшишга интилмоқда.

**К. ҲОСИЛОВ.**

*Азиз дўстлар!*

**XXI асрнинг устувор таълим йўналишлари бўйича етук мутахассис бўлишни орзу қилган бўлсангиз**

# ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**2002-2003 ўқув йили учун қабул эълон қилади.**

**1. БАКАЛАВРИАТ**

| т/р | Йўналиш номи | Қабул режаси кўрсаткичлари | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Жами | Жумладан, ўқиш шакли бўйича | |
| | | | Кундузги | Сиртқи |
| 1 | Касб таълими (телекоммуникация) | 55 | 55 | — |
| 2 | Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича) | 65 | 65 | — |
| 3 | Менежмент (соҳалар бўйича) | 75 | 60 | 15 |
| 4 | Информатика ва ахборот технологияси | 85 | 70 | 15 |
| 5 | Радиотехника | 70 | 70 | — |
| 6 | Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш | 150 | 135 | 15 |
| 7 | Телекоммуникация | 228 | 213 | 15 |
| 8 | Ахборот хавфсизлиги | 26 | 26 | — |
| 9 | Электрон тижорат | 26 | 26 | — |
| 10 | Почта хизмати | 70 | 70 | — |

**2. МАГИСТРАТУРА**

| т/р | Ихтисослик номи | Қабул режаси кўрсаткичлари | |
|---|---|---|---|
| | | Жами | Кундузги |
| 1 | Менежмент (соҳалар бўйича) | 10 | 10 |
| 2 | Тармоқлар иқтисодиёти | 10 | 10 |
| 3 | Ҳисоблаш машиналари, комплекслар, тизимлар ва тармоқлар | 10 | 10 |
| 4 | Бошқариш ва ахборотни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимлари | 10 | 10 |
| 5 | Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлари ва тармоқларини математик ҳамда дастурий таъминлаш | 10 | 10 |
| 6 | Ахборотлар ҳавфсизлиги | 10 | 10 |
| 7 | Мобиль алоқа тизимлари | 10 | 10 |
| 8 | Алоқа тармоқлари, узеллари ва ахборот тақсимоти | 10 | 10 |
| 9 | Касб-ҳунар фанлари ўқитиш методикаси (телекоммуникация) | 10 | 10 |
| 10 | Электрон тижорат | 10 | 10 |

**Университетга кириш истагида бўлганлар қуйидаги ҳужжатларни 2002 йилнинг 20 июлгача (шу куни ҳам) топширишлари керак:**

- *ректор номига ариза;*
- *ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусҳаси;*
- *086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;*
- *3х4 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат.*

***Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.***

***Тест синовлари 2002 йил 1 август куни ўтказилади.***

**Омад сизга ёр бўлсин!**

6021/1411

**Манзилимиз: 700084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

*Жиноятга жазо муқаррар*

# ЖАҲЛ оти ЁМОНдир

Наима ўша куни эрталабдан ўзини ноқулай ҳис эта бошлади. Негадир хаёли бузилаверди. Юраги алланечук бўлиб, нималарнидир ўйлайверди. Унингча шу топ гўё осмон узилиб ерга тушаётгандай эди. Ўша куни 2002 йилнинг 20 январи. Кечга яқин кўча эшикни кимдир тақиллатди. Ўғли Жаҳонгир эшикни очди.

– Ким экан? – сўради Наима ундан.

– Бир киши отамни сўраб келибди.

Бу сўзни эшиттан Ғанишер кўчага чиқди. Қараса, бошлиғининг ўғли Комилжон турибди.

– Тезда электр печимизни тузатиб берар экансиз, отам юбордилар, – илтимос қилди у.

Ғанишер уйга кирди. Хотини Наимага «Бошлиғимиз Раҳимжон ака чақираётган эканлар», дея лаш-лушларини йиғиштириб чиқиб кетди. Бундан Наиманинг кўнгли алланечук бўлиб қолди ва шу кўчада яшовчи онасиникига чиқди. Сўнг уйига қайтди. Кўчада қайиноғасининг уйи олдида Раҳимжон Эгамбердиевга қарашли «Нексия» автомашинаси турганини кўриб «Нега келдийкин?» дея ҳайрон бўлди. Уйига келса, ҳали турмуш ўртоғи қайтмаган экан. Соат 22 ларда қайиноғаси Алишер келиб, унга хўжайини йиқилиб тушиб, тоби қочиб қолганини ва шифохонага олиб кетилганлигини айтди. У тезда қайиноғаси билан Уйчи тумани марказий шифохонасига борди. Наимага бу ерда турмуш ўртоғининг ҳуши ўзида эмаслигини билдиришиб, жонлантириш бўлимига киритишмай, уйига жўнатиб юборишди. Уйига қайтиб келганида эса турмуш ўртоғи пичоқланганини эшитиб, музлаб кетди...

Энди воқеа тафсилоти билан танишинг. Ўша куни эрталаб «Ўнҳаят» ғишт ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Раҳимжон Эгамбердиев хонадонида электр печка бузилиб қолади. Ота фарзандларига корхона электриги Ғанишер Жабборовни олдириб келиб, уни дарҳол тузаттириб қўйишни буюради. Бироқ фарзандлар ўйинқароқлик қилиб, ёддан чиқаришади. Кечга яқин ишдан қайтган ота бундан дарғазаб бўлади. Бирдан уйда шовқин-сурон кўтариб, фарзандига Ғанишерни қаердан бўлмасин топиб келишини айтади.

Нималандир ҳовлиқиб ўзини тутолмай қолган Раҳимжон шундан кейин олма арчиб ейиш мақсадида ошхонага кириб, қора сопли пичоқни олиб чиқади. Уни қарангки, шу вақт кўчадан ўғли ва электрик Ғанишер кириб келади.

– Нега печкани ўз вақтида тузатмадинг? – бирдан дарғазаб бўлиб бақира кетади Раҳимжон электрикка. У эса хабари йўқлигини айтади.

– Йўқ, сен билгансан, атайлаб келмагансан. Совуқда тарашадай қотишимни кутгансан.

– Ундай деманг. Ҳозир, дарров «ест» қиламан.

– Сен ахмоқсан, инсофсиз ва паразитсан! – ўшқирди Раҳимжон электрикнинг олдига келиб. Кейин эса болохонадор қилиб сўка бошлади. Табиийки, Ғанишер бундан дарғазаб бўлиб, бошлиққа гап қайтарди. Шу пайт Раҳимжон қуюшқондан чиқиб, ўнг қўли билан электрикнинг юзига бир мушт урди. Кўзлари ола-кула бўлиб жаҳли чиқди. «Менга гап қайтарадиган бўлдингми?», дея қўлидаги пичоқни Ғанишернинг чап сонига икки марта суқди. Уни суғуриб олиб бошқа жойларига ҳам суқиб олди. Сўнг қўрқ-ғанидан пичоқни ота-онаси турадиган хонага яшириб қўйди. Ҳовли ўртасида эса оғир жароҳатланган Ғанишер қонга беланиб ётарди. Ҳиёл ўтгач, қотил ўзига келди. Қилган ишининг оқибатини тушуниб, оғир жароҳат олган электрикни ўғли Комилжон ва куёви Номохон Тўраев ёрдамида «Нексия»синнинг орқа ўриндиғига ётқизиб, тезда туман марказий шифохонасига олиб борди. Бироқ шифокорлар Ғанишер жони чиққан ҳолатда олиб келинганини айтишди. Иложсиз қолган Раҳимжон Эгамбердиев тўғри туман ИИБга борди. Бошлиқнинг қалтис ҳаракати юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, у вилоят суди ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Асқаржон АЛИҚУЛОВ,**
**Уйчи туманн прокуратурасининг терговчиси.**
**Эркин ҚАМБАРОВ,**
**журналист.**

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги олдидан

# «ТИЛСИМЛАНГАН» КИТОБЛАР

Қадим Кешнинг 2700 йиллик тўйига тайёргарлик авж олиб кетди. Хўш, унга ким қандай ҳисса қўшмоқда? Шундай савол билан халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи Шарофат Ашуровага мурожаат этдик.

— 2700 йиллик тарихда Шаҳрисабз неларни бошдан кечирмаган, — дейди у. — Замон неча бор эврилмаган дейсиз. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам шу юрт фарзандлари шаҳри Кешни обод қилиш, унинг шуҳратини жаҳонга ёйиш учун интилишган. Равнақий домла (Файзулла Хўжаев) ҳам шундай инсонлардан бири бўлган. У VII-XX асрларда яратилган 500 дан зиёд қадимий қўлёзмаларни тўплаган, авайлаб сақлаган. Шўролар даврида уларни қандай сақлаб қололди экан? Кўнглимиздаги шу саволни уққандек, Равнақий домланинг қизи Хадичахон Хўжаева шундай дейди:

— Даламиз бу китобларни тилсимлаганлар. Шу боисдан ҳам қанча тинтув қилганлари билан топишолмаган.

Ҳали бизга номаълум бундай «тилсимланган» китоблар, қўлёзмалар, хаттотлик буюмлари оз дейсизми? Шунинг учун ҳам Равнақий домланинг куёвлари, қизлари айтганларидек, Шаҳрисабзда ана шундай осори атиқаларни қўядиган жой — музей қурилса, нур устига нур бўларди. Шунда сандиқларда яшаб келаётган бебаҳо бойликдан халқ баҳраманд бўларди, ўқиб-ўрганиш, тадқиқ қилиш имконияти яратиларди. Вилоятдаги ноёб қўлёзмалар, осори атиқалар, хаттотлик буюмлари бир жойга жамланса, кони фойда. Албатта, шунча бойликни асраб-авайлаб, шу кунларга етказиб келиш осон бўлмаган. Қолаверса, улар ана шу бойликдан барчанинг, бутун элу юртнинг баҳраманд бўлишини хоҳлашади. Йўқса, сотиб юборишлари ҳам мумкин эди-ку.

Термизнинг 2500 йиллиги муносабати билан барпо этилган археология музейи мамлакатимиздагина эмас, жаҳонда ҳам машҳур бўлиб кетди. Назаримда, Шаҳрисабзда хаттотлик мактаби (кўргазма-музей)ни очиш вақти етди. Шундан келиб чиқиб, педагогика коллежи ҳузурида қадимий қўлёзмаларни тадқиқ этувчи гуруҳ ташкил этилса, унда иқтидорли болалар ўқитилса, қадимий қабртошлардаги ёзувларни ўқиш, ўрганиш йўлга қўйиларди.

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Қашқадарё вилояти бошқармаси мутахассислари айни кунларда ана шундай ноёб қўлёзмаларни топиш, йиғиш, илмий ўрганиш устида иш олиб бораётирлар. Мақсадимиз — улуғ тўйга муносиб тўёна ҳозирлаш. Кўлтепаларга айланган, қудуқларга ва қабрларга кўмилиб, чириган китобларнинг қолдиқларини топиш ва шу тариқа кўҳна тарихимизнинг кемтигини тўлдириш.

**«Халқ сўзи» мухбири Нарзулла РАВШАНОВ ёзиб олди.**

Таэквандо-ITF

# ТАЪТИЛ КУНЛАРИ — ЧИНОЗ ТАТАМИЛАРИДА

Телефон қўнғироғи:

— Ассалому алайкум. Республика Таэквандо миллий ассоциацияси вице-президенти Миродил Мирзахоновман. Болажонларимиз учун бир тадбир қилаётгандик денг...

— Хўш-хўш.

— Ҳозир ёзги таътил даври эмасми, кўпчилик фарзандларимиз уйда, баъзилари кўча чангитиб юришибди. Очиғини айтганда, уларнинг ҳаммасини дам олиш оромгоҳларига жойлаштиришнинг ҳам имкони чекланган. Шунинг учун болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида уларни қизиқарли беллашувларга жалб қилмоқчимиз. Мусобақада 11-12 ва 13-14 ёшдаги ўғил-қизлар қатнашишини келишиб олдик.

— Баҳслар пойтахтда ўтказиладими?

— Йўқ. Бизнинг ташаббусимизни Чиноз тумани ҳокимияти қўллаб-қувватлади. Ҳомийлар ҳам шу ернинг ўзидан чиқди. Тадбиркор Муҳаббат Шоюсупова улардан бири. Айни пайтда ассоциациямиз президенти Пўлат Усмонов туман ҳокимининг ўринбосари Мирсултон Мирёқубов билан мусобақага тайёргарлик жараёнини кўздан кечиришаяпти.

Ҳуллас, ўтган шанба ва якшанба кунлари Чинозда бўлдик ва ёшларнинг ажойиб спорт байрамини кўрдик. Уларнинг кўзларидаги қувончни айтинг. Беллашув баҳона 200 дан ошиқ болажон совғали ҳам бўлди. Улар орасида "Бектемир", "Тўйтепа", "Гулистон", "Барс" ҳамда "Чиноз" таэквандо клублари аъзолари кўпчиликни ташкил қилди.

**О.РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири. С.ИСКАНДАРОВ олган суратлар.**

«TS-TECHOLOGY»:

# КЕЛАЖАК — КОМПЬЮТЕРЛАР ДАВРИ

Фармонни ўқиб...

Кимки эскича ишласа, фан-техника янгиликларидан, Интернет имкониятлари ва юксак технологиялардан ортда қолса, унинг келажаги ҳам бўлмайди. Буни биз бугун чуқур англаб етдик ва мамлакатимиз ахборот технологиялари равнақи арафасида турибди.

Президентимизнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ана шундай янгича ривожланишнинг улкан сиёсий ва амалий дастуридир. Республикадаги ахборот технологияси мутахассислари учун мазкур Фармон ва ундан кейин қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қароридаги ҳар бир сўз ва ҳар бир алоҳида модда ниҳоятда азиз ва қадрлидир.

Шак-шубҳасиз, сўнгги йилларда мутахассислар яқдил тасдиқлаётганларидек, мамлакатимизда бу йўналишда сезиларли қадамлар қўйилди. Шу билан бирга, республика ҳукумати қабул қилган 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга доир дастурда таъкидланганидек, ушбу соҳадаги фаолият ҳозирча талаблар даражасида эмас. Мамлакат аҳолисининг компьютерлар билан таъминланиш даражаси ҳар 100 кишига атиги 0,3 бирликдан тўғри келади. Тошкент шаҳрида бу рақам ҳар 100 кишига 2,5 бирликни ташкил этади. Ёки мана бу ҳолатга назар ташлайлик: мамлакатдаги 531 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг фақат 22 таси, республикадаги 62 та олий ўқув юртининг 40 таси Интернет тармоқларига уланган, холос. Ўзбекистондаги кўпгина корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари эски авлод компьютерлар билан жиҳозланган ёки умуман компьютерлаштирилмаган.

Тармоқда вазиятни яхшилашда, мутахассисларнинг фикрича, юксак технологияларни ўзимизда ишлаб чиқувчиларни аниқ манзилли ҳимоялашнинг, улар учун қулай солиқ ва божхона тартиб-қоидаларини яратишнинг аҳамияти катта. Энг муҳими, ҳукумат қароридаги бу моддаларнинг барчаси тегишли тизимларда ўз вақтида ва аниқ бажарилса, бас. Ахир республикада компьютер тармоғи деярли йўқдан бор этилаяпти, ҳозирча кўп нарсалар четдан олиняпти. Хорижий мутахассислардан кўп нарсаларни ўрганишга тўғри келади. Бундай шароитда давлатнинг бевосита иштирокисиз ва унинг ёрдамисиз бирон иш қилиб бўлмайди.

Хўш, мамлакатни компьютерлаштиришни амалда самарали юзага чиқариш учун нималар қилиниши керак? Компьютерлар бисоти қандай қилиб янгиланади ва бойитилади? Журналист тармоқ ҳақида ўз тасаввурига эга бўлиш учун аниқ фаолият юритаётган корхонага бориши керак. Ҳуллас, газетада мамлакатимизда доврўқли «TS-Techology» компаниясига бағишланган катта реклама модулига кўзим тушгач, мен қўнғироқ қилдим ва учрашувга келишдим. Чиндан ҳам, бу компанияда бўлиб, унинг мутахассислари бажараётган ишларни ўз кўзи билан кўрган одам анча муҳим саволларга жавоб топади.

Ушбу компания ўз ишлаб чиқаришини оёққа қўйиб, амалда бу соҳада ишончли ва аъло сифатли миллий маҳсулотларни яратаётгани, масалан, сизу бизга кўп нарсани англатмайдими? Ва худди шундай саъй-ҳаракатлари билан компания давлат миқёсидаги йирик лойиҳаларни бажаришда самарали қатнашмоқда. Жумладан, унинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридий кенг қўламли, устувор лойиҳани амалга оширишга қўшаётган муносиб улуши сўзимизга далил бўла олади. Аслида, компаниянинг халқаро стандартларга жавоб берадиган ишланмаларини нафақат ўқув юртларида, балки иқтисодиётимизнинг турли тармоқларига доир бошқа кўпгина корхоналар ва муассасаларда ҳам учратишимиз мумкин. Яқин келажакда эса «TS-Techology» техникаларини Бухоро, Навоий, Фарғона ва бошқа йирик вилоят марказларида ҳам бемалол кўришимиз мумкин. Булар эса катта ишнинг бошланиши, холос.

Мутахассислар яхши биладиларки, компьютер анча серҳаражат қадрият ва у ҳар қандай меҳнат жамоаси ҳамёнига тўғри келавермайди. Компьютерлаштиришга, қачонки четдан келтириладиган электрон маҳсулотлар миқдори камайтириб борилса, миллий компьютерларимизни яратиш учун зарур эҳтиёт қисмларни ўзимизда ишлаб чиқариш ҳамда бевосита Ўзбекистоннинг ўз ҳудудида компьютерларнинг дастурий таъминоти йўлга қўйилса, шундагина осон ва кам маблағ сарфлаган ҳолда эришамиз. Мен бундай қарашларни «TS-Techology» компанияси мутахассисларидан эшитдим. Бу қарашлар уларнинг ўз иш тажрибаларидан туғилган ва ҳукуматимиз дастурига тўла мос келади.

Компания мамлакатни компьютерлаштиришнинг янги босқичига қуруқ қўл билан келаётгани йўқ. Унинг ҳисобида бир қатор жиддий ва истиқболли ишланмалар бор. Компания компьютер бозорида рўй бераётган ўзгаришларни тез пайқайди ва ўзбекистонлик харидорларга энг зарур нарсани — ихтисослашган миллий маҳсулотларни тавсия этади.

Масалан, «Pentium 3-4» манбаида яратилган янги «ПК-PALANA» ўқув юртлари ва идоралар учун жуда асқотадиган аппарат. «Pentium-3» манбаида яратилган «ПК TS Vesta» аппарати банк ишларидаги энг мақбул ечимларни берадиган янги корпоратив моделлир. «Pentium-4» манбаида яратилган «ПК TS-Plasma» аппарати эса юксак технологик янгилик бўлиб, ахборот технологияси соҳасидаги мутахассисларнинг кенг доираси дидига жуда мос келади. Ва, энг муҳими, ушбу янгиликлар «TS-Technology» компаниясининг: «жаҳон технологиялари даражасидаги миллий маҳсулотлар яратайлик», деган муддаосининг дастлабки амалий ифодалари тарзида диққатга сазовордир.

**Валерий НИКОЛАЕВ.**

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 677, 28078 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — С. ДОНИЁРОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.30.
1 2 3 4 5 6

UNITED STATES OF AMERICA EMBASSY

**Hubert H. Humphrey Fellowship Program 2003 - 2004 Academic Year**

The Public Affairs Section of the U.S. Embassy in Tashkent is now accepting applications from those interested in applying for a study grant in the United States under the auspices of the Hubert H. Humphrey Fellowship Program.

The Humphrey Program brings accomplished professionals from selected developing countries of the Newly Independent States, the Middle East, Africa, Latin America, and the Caribbean to the United States at a mid-point in their careers for a year of study and related professional experience. The program provides a basis for establishing lasting ties between citizens of the United States and their professional counterparts in other countries, fostering an exchange of knowledge, and increasing mutual understanding. Fellowships are granted competitively to professionals in the public, non-governmental and private sectors who demonstrate a commitment to public service.

The Hubert H. Humphrey Fellowship Program emphasizes public policy, leadership, and management. It provides future leaders with direct experience of current American approaches to the fields in which they work as well as first-hand knowledge of American society and culture. It is designed to address the interests of policy makers, planners, administrators, and managers who have a public service orientation, have demonstrated leadership potential, and are committed to their country's development.

Fellowships are granted to public and private sector candidates with a commitment to public service in the fields of communications/journalism, natural resources and environmental management, agricultural development/agricultural economics, finance and banking, human resource management/personnel, law and human rights, urban and regional planning, technology policy and management, educational planning and public health policy and management. In addition, there is a drug abuse component in the field of public health policy and management, emphasizing drug abuse education, treatment and prevention.

**Eligible candidates must have an undergraduate degree, five years of substantial professional experience, proven leadership qualities, and a high level of English language proficiency.**

Application forms are now available at the Public Affairs Section of the U.S. Embassy (41 Buyuk Turon St, Sharq Building, Tel: (8-371) 133-70-96, 133-35-81, 133-59-74. These forms are free of charge and may be photocopied. **Completed forms must be returned to the Public Affairs Section not later than September 1, 2002.** Applicants who successfully pass the preliminary screening process will be invited for an interview.

Applications can also be submitted online at www.iiehost.org/hhh More information about the program can be found at the Hubert Humphrey website (www.iie.org/pgms/hhh)

6018/728

## Кортда ўқитувчилар

Андижонда халқ таълими ходимлари ўртасида теннис бўйича "Ўрнак-2002" баҳслари ўтказилди. Етинчи марта уюштирилаётган ушбу мусобақаларда вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари раҳбарлари иштирок этишди. Қизғин беллашувлар давомида Андижон шаҳар халқ таълими бўлими жамоаси ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

## САВОЛ БИЗДАН...

1877 йил — Янги Марғилон,
1907 йил — Скобелев,
... йил — ...

Нуқталар ўрнини тўлдиринг.

136-35-60

*Кечаги сондаги саволнинг жавоби:*
**Самарқанд опера театри 1962 йилда очилган.**

QUICK STOP GROUP OF COS.

NAMBUM «QUICK STOP PAPER MILL» «НАМБУМ» ЛТД .ҚК

*Ўрамли, кенглиги 84 см. ва 42 см. бўлган юқори сифатли ксерокс ва офсет қоғози ишлаб чиқаради ва сотади.*
*Ҳар бир боғламда 500 варақдан бўлган А-3, А-4 ўлчамли, зичлиги 80 гр./м² қоғозлар:*
*А-3 — 8400 сўм, А-4 — 4200 сўм.*
*Шунингдек, ўқувчилар дафтарларини ишлаб чиқаради ва 1 донасини 45 сўмдан сотади.*
***Маҳсулотларимизни харид қилинг, Ўзбекистон ишлаб чиқарувчисини қўллаб-қувватланг!***

**Манзиллар:**
Наманган шаҳри, «Қурувчилар» кўчаси, 50-уй.
Телефон: (369 22) 2-14-83, факс: (369 22) 2-69-35.
Тошкент шаҳри, Маҳатма Ганди кўчаси, 44-уй.
Телефон: 132-02-22, факс: 136-30-37.
**Омбор манзили:**
Тошкент шаҳри, «Проектная» кўчаси, 44-уй.
Телефон: 79-74-04, факс: 79-79-91.

5982/1362

## Ҳурматли фуқаролар!

**«Умид» номли пул-ютуқли хайрия лотереялари** айрим сабабларга кўра, тўла сотилмаганлиги учун ушбу лотереянинг таъсисчилари томонидан, яъни Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳар бўлимларининг қарори билан **лотереянинг ютуқлар тиражи 23 майдан 23 сентябрга кўчирилган.** Ҳозирги вақтда «Умид» номли лотереянинг сотилиши ҳамма жойда давом эттирилмоқда.

Шунга асосан хабар берамизки, олдин сотиб олинган ҳамма лотерея билетлари ҳақиқийдир ва 23 сентябрда лотерея тиражининг ўйинида иштирок этади.

**Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уйнинг катта мажлислар залида шу йили 23 сентябрда ўтказиладиган лотерея ўйинларида иштирок этишингизни сўраймиз.**

*Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳар бўлимлари.*

6000/477

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси «Ўзбекистон» телеканали «Болалар» студиясининг катта муҳаррири Муҳтарама Улуғовага онаси
**МАЛИКА аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзсувтаъмирфойдаланиш» республика бирлашмаси Қуйи Амударё дамбалари ва ўзанни тартибга солиш иншоотлари бошқармасининг бошлиғи Комилжон Ражаповга фарзанди
**Қудратжон РАЖАПОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси жамоаси Муборак газни қайта ишлаш заводи унитар шўъба корхонаси директори Барака Рустамовга акаси
**Салим РУСТАМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Марказий аппарат ходими Собирдин Эшбаковга онаси
**Мардан ЭШБАКОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат техника университети раҳбарияти ва касаба уюшмаси, «Ўзбек тили» кафедраси жамоаси кафедра катта ўқитувчиси Гулсара Абдуллаевага турмуш ўртоғи
**Қосимали АБДУЛЛАЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Акциядорлик тижорат «Пахта банк» бошқаруви ва жамоаси «Пахта банк»нинг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи Х. Бозоровга акаси
**Хуррам БОЗОРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати ва жамоаси аъзолари институт фахрийси
**Зокир ЕШИМБЕТОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.